


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 4 303,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,0 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,2 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 33,8 фоиз), саноат – 105,2 фоиз (13,6 фоиз), қурилиш – 104,0 фоиз (9,3 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,4 фоиз (9,4 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 108,2 фоиз (9,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,0 фоиз (24,8 фоиз) ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



2017 йилнинг январь-сентябрда ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 43,3 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,8 пунктга камдир (44,1 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,3 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 9,1 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,2 пунктга камайди ва 9,4 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь-сентябрдаги 25,1 фоиздан 2017 йил январь-сентябрда 24,8 фоизга тушди.


Ялпи ички (худудий) маҳсулот
2017 йил январь-сентябрь ҳолатига

	<i>ЯИМ (ЯХМ)</i>		<i>Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯХМ)</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръатлари, %</i>	<i>мингсўм</i>	<i>ўсиш суръатлари, %</i>
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	170 074,8	105,3	5 262,8	103,5
Қорақалпоғистон Республикаси	5 756,9	105,4	3 152,7	103,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	9 401,3	107,1	3 154,3	105,3
Бухоро	8 058,2	103,0	4 348,3	101,5
Жиззах	4 303,8	104,0	3 285,1	102,0
Қашқадарё	12 015,7	103,3	3 863,6	101,3
Навоий	8 766,0	100,7	9 242,0	99,1
Наманган	6 758,2	104,5	2 531,4	102,6
Самарқанд	12 320,0	103,4	3 350,9	101,5
Сурхондарё	7 646,6	103,0	3 081,6	100,9
Сирдарё	3 267,8	99,0	4 045,3	97,5
Тошкент	18 405,0	103,3	6 477,7	102,1
Фарғона	11 412,2	103,8	3 183,2	102,1
Хоразм	5 841,5	106,7	3 270,2	104,9
Тошкент ш.	26 382,6	106,1	10 813,9	104,6

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўйган ҳолда.


2017 йилнинг 9 ойлик маълумотларига кўра ЯХМнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон вилоятида (107,1 фоиз), Хоразм вилоятида (106,7 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (106,1 фоиз) кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (105,3 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Сирдарё (99,0 фоиз), Навоий (100,7 фоиз), Бухоро (103,0 фоиз) ва Сурхондарё (103,0 фоиз) вилоятларида кузатилди.

ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки
2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (ЯИМ га нисбатан фоизда)



Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳри 15,5 фоизли улуш билан етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари мос равишда 10,8 фоиз ва 7,2 фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллашган. ЯХМнинг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (1,9 фоиз), Жиззах вилоятида (2,5 фоиз), Хоразм вилоятида (3,4 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,4 фоиз) кузатилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг
тармоқлар кесимида тақсимланиши**
2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси